

*Э. Мамедов*

# АЙДОМЫР САЙРЮЛІК

ФАН ҲАҚИДА



СУХБАТЛАР

9  
жк-21

А. ЖАЛИЛОВ

# МУСО САЙРОМИЙ

19522/1-3

Г. МУСО  
САЙРОМИЙ


Узбекистон  
Бирлашган нашиёти  
Марказий Комитетининг  
Тошкент—1968

№ 37

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг  
Бирлашган нашиёти  
Тошкент—1968

Қўлингиздаги брошюрада тарихчи ва шоир Мулло Мусо Сайромийнинг хаёти ва фаолияти ёритилади.

Унинг «Тарихи Эминия» асаридағи Шарқий Туркистан (Синъцзян) халқларининг XIX асрдаги миллый озодлик ҳаракатлари ҳамда уларнинг Ўрта Осиё халқлари билан бўлган дўстлик муносабатлари тарихига оид маълумотлар баён этилган. Брошюра кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



Жалилов А.  
Мусо Сайромий. Т. Узбекистон КП  
МКниг нашриёти, 1968.  
22 бет. Тиражи 14950.

Джалилов А. Муса Сайрами.

9(С5)

Фундаментальная  
БИБЛИОТЕКА  
ТашХИ

1—6—1

## МУСО САЙРОМИЙ ВА УНИНГ ЯШАГАН ДАВРИ

Мулло Айсо ўғли Мулло Мусо Сайромий XIX аср ва XX асрнинг бошларида Шарқий Туркистан, яъни ҳозирги Хитой Халқ Республикаси Синъцзян Ўйғур Автоном районининг Сайром районида яшаб ижод этган уйғур халқининг талантли тарихчиси, шоири ва давлат арбобидир. У Хитойда Манжур Чин сулоласининг истибодод ҳокимиятига қарши халқ озодлик ҳаракатлари ўсиб энг юқори чўққисига кўтарилган даврда ҳаёт кечирди. XIX асрнинг ўртасида Хитойда Чин ҳокимиятига қарши деҳқонлар қўзғолонлари кенг тус олди. «Тайпин»лар ҳаракати номи билан аталган Хитой деҳқонларининг бу қўзғолонлари муносабати билан миллатларнинг озодлик ҳаракатлари авж олиб кетди.

1755 йили Юннань мусулмонлари Султон Сулеймон бошлилигига Чин ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтардилар. 1762 йили Саньши ва Шаньси вилоятларида дунган аҳолиси ўз озодлик ва мустақиллиги учун қўзғолон кўтарди. Кўп ўтмай бу қўзғолон Шарқий Туркистанга ҳам етиб келди. Бу Чин сулоласининг Шарқий Туркистандаги ҳокимиятини хавф остида қолдириди. Чунки, Чин империяси Шарқий Туркистанни 1759 йили босиб олганидан сўнг, у ерда энг ашаддий

деспотик феодал ҳокимият ўрнатган эди. Улар 46 турли маъмурий ва диний амал, 34 турли маҳаллий амал жорий этиб, халқни маҳаллий амалдорлар орқали бошқарганлар. Маҳаллий амалдорлар — ҳоким, бек ва ҳоказолар устидан Чин амалдорлари назорат олиб борар эдилар. Амалдорларга маош берилмас, маош ўрнига даражасига қараб ер ва янчи деб аталган крепостной деҳқонлар берилар эди. Шарқий Туркистон аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган деҳқонлар Чин амалдорлари, хитой помешчиклари ва маҳаллий феодал амалдорлар ва руҳонийлар томонидан уч ёқлама раҳмсиз эксплуатация қилинди. Улар турли-туман солиқ, закот, божхирожлар тўлаганлар, феодал мажбуриятларни бажарганлар. Умуман Шарқий Туркистон меҳнаткашлари хитойлар томонидан жуда қаттиқ эзилган, хўрланган. Шунинг учун халқнинг сабркосаси тўлиб зулмга қарши қаҳр-ғазаблари кун сайин ортиб борган. Натижада 1765 йилдан бошлиб қатор қўзғолонлар, миллий озодлик ҳаракатлари бўлиб ўтди. 1765, 1816, 1825—1828, 1831, 1846, 1847 1855—1856 ва 1864 йиллари бўлиб ўтган қўзғолонлар шулар жумласига киради.

1864 йили бошланган қўзғолон бутун Шарқий Туркистон бўйлаб кенг қанот ёйди ва миллий озодлик ҳаракати шаклини олди. Натижада уерда Чин ҳокимияти ағдарилиб Шарқий Туркистоннинг Жанубида Яқуббек давлати, Шимолида (Или вилоятида) Или Султонлиги вужудга келди. Яқуббек ҳокимияти 1878 йилгача ҳукм сурди. 1878 йили Чин аскарлари Шарқий Туркистонда ўз ҳокимиятини қайта тиклади.

XIX асрда яшаб ижод этган уйғур тарихчи ва адиллари ўз асрларида ўша улкан тарихий воқеаларни акс эттирганлар.

Машҳур шоир, тарихчи Мулло Билол бин Мулло Юсуфнинг «Қитоб-ғазот дар мулки Чин», «Нузугум» тарихий достонлари, талантли тарихчи Мусо Сайромийнинг «Тарихи Эминия», «Тарихи Ҳамидия» асрлари, тарихчи Ашур Охун бинни Исмоил бинни Муҳаммад Фарбийнинг 1863—1864 йили ёзган «Амири олий», талантли шоир ва тарихчи Муҳаммад Солиҳ Ёркандийнинг 1864—1865 йиллари ёзган «Ғазот-ул муслимин», тарихчи ва шоир Муҳаммад Умар Марғинонийнинг «Жангнома» ва 1890 йили ёзган «Бадавлатнома» асари, тарихчи Ҳожи Юсуфнинг 1907—1908 йилларда ёзган «Жами-ул таворих» («Тарихи Яқуб бадавлат») тарихчи Муҳаммад аъзамнинг 1894 йили ёзган «Тарихи Қошғар» ҳамда тарихчилар Сайд Муҳаммаднинг «Шарҳи шикаста нома», Қосимбекнинг «Ғулжанинг воқеотларининг баёний», Кори Қурбонали валади Холид Ҳожи Аёгузийнинг «Тарихи жаридан жадида» ва «Тарихи Хамса» асрлари ана шулавар жумласидандир. XIX асрда яшаб ижод этган уйғур тарихчилари орасида энг талантлиси, кўзга кўринган прогрессив тарихчи шоир ва давлатарбоби Мусо Сайромийдир. Сайромийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида маълумотлар жуда кам. Сайромий ҳақида баъзи бир автобиографик маълумотларни унинг «Тарихи Эминия» асарида учратамиз.

Мулло Мусо Сайромий Шарқий Туркистоннинг Кучор шаҳридан 70 километр ғарбда жойлашган Сайром қишлоғида тахминан XIX асрнинг II чорагида (1840 йиллар) турилган. Бошланғич ҳамда умумий мадраса маълумотини Кучор шаҳрида олган<sup>1</sup>. Тарихчи Мулол Мусонинг

<sup>1</sup> В. И. Новогородский, «Хрестоматия уйгурской литературы» из МИВ 1947 г. стр. 8—9.

таксалуси туғилган қишлоғининг номи билан боғлиқдир. Ўнинг асли ота-боболари Ўрта Осиёнинг Сайром вилояти—Сайром томонидан эди.

1723 йили Тошкент ва Сайромни Жунғор хони Цовон Рабтан ўғли Шуно-Дад босиб олиб, у ер аҳолисини талон-торож этади. Сайромлик 60 хўжаликни Оқуйлик (асир, қул) қилиб Синъзян территорииясига олиб кетади. Улар Илида бир йил, Кўҳна Турфонда икки йил яшаб, турли сабабларга кўра кўчиб юриб охири бир қишлоқда яшаб қолганлар ва у ерга Сайром деб ном қўйганлар.

Сайромий «Тарихи Эминия» китобида ёзишича Жунғория ҳонлиги йўқотилиб Чин империясининг ўрнатилиш даврида ўз юртларига кетаётган сайромликларни Хитой черикларининг<sup>1</sup> бошлиғи орқасига қайтариб Ёқоариқ мавзуига жойлаштирган. Улар Ёқоариқдан кўчиб Бой районига келиб у ерда ҳам туролмай бир қишлоқга бориб «Тоғ даҳнаси кенгров жой экан» деб у ерда ўтроқлашиб қолганлар. Улар ўзлари Сайромдан бўлганлари туфайли у ерни ҳам Сайром деб атаганлари ҳақида ёзади. Ва бобоси Камолиддин Сайдимга ҳижрий 945 (1538) йили Убайдуллохон (1533—1539) томонидан берилган ёрлиқнинг копиясини келтиради.

Сайромий Кучор мадрасасида 8 йилдан кўпроқ ўқиди. Бойлик Усмон охундан таълим олади. Усмон охун замондошларининг илгор фикрли олимларидан бўлиб Кучорда 1864 йили кўтарилиган қўзғолонга актив қатнашган. Қўзғолонга Сайромий ҳам иштирок этган. У қўзғолон бошлангanda Сайром қишлоғида эди. Қўзғолончи-

лар Кучорни қўлга киритиб Оқсув шаҳрига Сайром орқали юриш қилганида Кучор отрядига қўшилиб Ликаб, Ёқоариқ, Оқсув, Учтурфонларда бўлган жангларда қатнашган. Қўзғолон ғалабасидан сўнг Мулло Усмон охун қози аскарлик амалида ишлаган. Сайромий эса Учтурфон ҳокими Маҳмуддин хўжанинг энг яқин маслаҳатчиси бўлиб, турли хизмат вазифаларини бажарган. Жумладан, у муҳрдорлик амалида бўлган. Учтурфон вилоятининг ғалла складларини бошқарган. Қўшимча Ўрда масжидида имом ва хатиблиқ қилган.

Учтурфон ҳокими ва бошқа йирик амалдор, уламолар ҳам Сайромийнинг маслаҳатисиз иш қилмас эдилар. У ўзи ҳақида «Бу камина муаллиф бу мазкур хўжам подшоҳ ҳузуринда<sup>1</sup> ҳам жулус ва ҳам аниш эдим. Хоҳ уламо ва хоҳ фузало ва хоҳ ҳоким ва додҳоҳ бу каминадин бемаслаҳат бир иш қилмас эди... Ва мен бирор кеча бежавоб бошқа ерга боролмас эдим... Ва маҳфий хат ва гап-сўзга асрор эдим. Ва тўқиз қоровулдин кирган ва чиққан одамлардин мен боҳабар эдим... Мендин бежавоб қоровулдин киши ўтолмас эди... Кўп хурсанд ва фараҳманд бўлиб мени муҳрдор қилиб муҳрни топширди. Ҳар нишон ва дастак бўлса менга таввиз қилур эди, муҳр босиб берур эдим...» деб ёзади. Сайромий Яқуббек ҳукмронлиги даврида (1866—1878) унинг саройида молия ва солиқ ишларини бошқарувчи закотчи ва мирзолик амалида 11 йил хизмат қилди. Бу ҳақда «Ва олдин жаноби олий (Яқуббек—Ж. О.) қўйғон закотчи хизматида ва мирзолик амалида ўн бир йил миқдори ҳам аниш

<sup>1</sup> Черик — Синъзянда Хитой аскарларини черик деб аташган.

ва ҳам жулус... юсунлуқ умрим убдон ўтти» деб ёзди.

Тарихчи умрининг сўнгги даврини Кучор шаҳарида тарихий асар ёзиш билан ўтказди. У 1903 йили «Тарихи «Эминия» асарини, 1908 йили «Тарихи Ҳамидия» номли асарини ёзди Мулло Мусо Сайромий 1917 йили Кучорда вафот этди. У салкам юз йил умр кўрди. Сайромийнинг мазкур асарларидан бошқа тарихий, адабий асарлари бўлиши эҳтимолдан узоқ эмасdir.

Шундай қилиб Сайромий Шарқий Туркистон ҳалқларининг Чин ҳокимиятига қарши мустақиллик йўлидаги миллий озодлик ҳаракатларини ўз кўзи билан кўрди ва унда бевосита иштирок этди. Синъязяда мустақил уйғур давлати ташкил топган ва ниҳоят ҳалокатга учраб хитой мустабидларининг протекторати қайта ўрнатилган бир даврда яшади, ижод этди.

### МУСО САЙРОМИЙ ТАРИХЧИ ВА АДИБ СИФАТИДА

Мулло Мусо Сайромий уйғур ҳалқининг прогрессив тарихчиси сифатида машҳурдир. У «Тарихи Эминия» асарида 1864—1878 йилларда Шарқий Туркистонда бўлиб ўтган унутилмас тарихий воқеаларни — 1864 йил қўзғолони, унинг миллий озодлик ҳаракат даражасига кўтарилиши, натижада шаклланган хонлик, ҳокимлик, сultonликлар, уларнинг фаолиятини фактлар асосида ҳаққоний баён этиб, ёритиб берди. «Тарихи Эминия» асари ёзилиб, кўп ўтмасдан мазкур асар шарқшунос олим Н. Н. Пантусов тавсияси ва таҳрири остида 1905 йили Қозонда нашр этилди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Тарихи Эмэнне, истории владетелей Кашигари, Казань, 1905.

Орадан кўп ўтмай совет шарқшунослиги фанининг отахони академик В. В. Бартольд бу асарга рецензия ёзиб, унга ижобий баҳо берди. У, «Пантусов бу гал бизни ажойиб ёдгорлик — Ўрта Осиёning энг янги замон тарихи билан таништириди» деб ёзди. Асарнинг I достонгача бўлган қисмидан солномалардан олинган материалларда баъзи жойларни қолдириб тўла бермаганини эслатади. Ёзма манбалар эмас, балки ҳалқ ривоятларидан фойдаланган баъзи жойларда камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Лекин, Яқубек ҳукмронлиги давридаги воқеалар жуда тўла ва аниқ, ишонарли ёзилган бўлиб, бу давлат ҳақидаги адабиётларни қўшимчалар билан тўлдиради. Автор Яқубекка яқин бўлишига қарамай, унинг ҳукуматни идора этишдаги камчиликларини яширмай батафсил тўғри баён этади.

Тарих фанлари кандидати Қ. Усмонов 1864 йил Шарқий Туркистондаги қўзғолон ҳақидаги уйғур манбалари устида тўхталиб, Мусо Сайромий асарининг қимматли манбалигини таъкидлайди. Ўша давр буржуа олимларининг 1864—1878 йиллар ҳаракатларига бўлган қарашларининг нотўғрилигини аниқ кўрсатади. Уни тўғри, чин моҳияти билан тушуниб олишга ёрдам беради. Сайромий асари яна шунинг учун ҳам муҳимки, унда маҳаллий аҳолини феодал эксплуатация қилишининг турли формалари ва унинг Манжур империясининг йиқилиши ва кризис шароитида кучайиши ва ўз ифодасини топган деб ёзди.<sup>1</sup>

Тарихчининг асари нашр этилгандан сўнг иккич-уч ой ўтгач, «Туркистон вилоятининг газета-

<sup>1</sup> К. Усмонов. Уйгурские источники о восстании в Синъязе 1864 года. «Вопросы истории», 1947, № 2. 87, 89-бетлар.

си»да<sup>1</sup> шундай мұхим ақамиятли тарихий асар босилиб чиққанлығы ҳақида кичкина аннотацияси билан әйлон ёзилған әди. Кейинги сонида уни ўқиб чиққан китобхоннинг ижобий тақризи босилди<sup>2</sup>.

Шарқшунос тарихчи олимларымиз томонидан Сайромий китобига берилған баҳолар унинг тарихчи сифатида танилганини ифодалайды. Ҳақиқатан ҳам тарихчининг бу асари Ёқуббек давлатининг давлат тузилиши, социал-экономик ақвоти, унинг чет әллар билан муносабати, айниқса Шарқий Туркистон халқларининг Урта Осиё халқлари, биринчи навбатда ўзбек халқи билан бўлган дўстлик, сиёсий, маданий ҳамкорликларига доир фактик материалларга бой асар ҳисобланади. «Тарихи Эминия» асарининг автографи бизгача етиб келмаган. Лекин, унинг Шарқий Туркистонда кўчирилған битта қўллэзма нусхаси<sup>3</sup> билан 1905 йили Қозонда нашр этилган босма нусхасига эгамиз. Асарнинг қўллэзма нусхаси Мулло Мұхаммад Темур Қумулий ибн Умар ибн Нур Мулло Тўхти Ниёз Қумулий томонидан кўчирилған. У 302 варагдан иборат бўлиб, Қозонда П. П. Пантусов томонидан 1905 йили нашр этилган нусхага ўхшаса-да, бўлимларга бўлиннишда баъзи тафовутлар мавжуд<sup>4</sup>.

Сайромийнинг китобларида ўзи томонидан яратилған поэтик томони яхши ишланган руబоий, маснавий ва қитъаларни жуда кўп учрата-

1 «Туркистон вилоятининг газетаси», 1906 йил, № 55.

2 Үша газета 56-сон.

3 Бу нусха ССР Фанлар академияси Осиё халқлари институти қўллэзмалар фондидан с 335 (502 оқ) шифр остида сақланади.

4 Л. В. Дмитриева, А. Ш. Мугинов, С. Н. Муратов, «Описание тюрских рукописей Института народов Азии» том I. М., 1965. 151—152-бетлар.

миз. Бу эса унинг шоирлик маҳоратидан далолат беради ва кишида умрининг охирларида бирор девон ёзиб қолдирган бўлиши мумкин деган фикр туғдиради.

Сайромий шеърларига мисол сифатида Яқуббек вафотининг баёнидан сўнг ёзилған маснавийларидан бир парчани китобхонга ҳавола қилалими.

Умр кўркам узун амр маҳолдур,  
Бу дунёнинг баҳоси фот заволдур.  
Ҳамиша бўлмагайлар подишлиқ,  
Ўмид йўқ мулки дунёдин вафолиқ,  
Ҳамиша йўқ тириклиқ ҳеч кишига,  
Вафо йўқ, дунёнинг неъматларига.  
Жаҳон фоний дурур эй хўжа зинҳор,  
Ки сен боқий тасаввур этма эй ёр.  
Ки ҳақ боқи дурур дунё уруси  
Эрур фоний неча кўргузса они.

Бу ерда тарихчининг дунёқараси шу даврдаги диний қарашлардан холи эмаслигини кўрамиз. Аммо, жамиятнинг бошқа аъзоларига нисбатан Сайромий илғор фикрларни олға сурди. Мехнаткаш халқлар ҳақида қайғурди. Бу фикрни шеърларида ҳам ёритиб ўтди. Сайромий асаларини ўқиган ҳар бир кишида уни адиб сифатида танишига ишончимиз комилдир.

## «ТАРИХИ ЭМИНИЯ» ҚИММАТЛИ ТАРИХИЙ АСАР

Тарихчи бу асарида фақат 1864 йил қўзғолони, унинг натижасида шаклланган ҳокимиятлар, Яқуббек давлати ва унинг барҳам топиши ҳақида маълумот берибина қолмайди. У Шарқий Туркистонда 1864 йилгача қадимдан ҳукм сурган хонлар, ҳокимлар ҳақида ҳам ёzáди. Шарқий Туркистоннинг хитойлар томонидан босиб олиниши ва ҳукмронлиги тўғрисида тўхталар экан, у даврда бўлиб ўтган миллий озодлик ҳаракатлари, қўзғолонлар ҳақида мұхим материаллар

беради. Шунингдек бундай озодлик, мустақиллик йўлидаги курашларда Ўрта Осиё, айниқса ўзбек халқининг сиёсий-маданий ҳамкорлиги ёритилади. Сўнгра 1864 йил қўзғолонининг келиб чиқиш сабаблари қандай боргани, Яқуббек давлатининг ташкил топиши, унинг чет эл мамлакатлари билан дўстлик, савдо, дипломатик алоқалари, Яқуббек давлатининг Хитойлардан енгилиши ва охири барҳам топишини фактик материаллар билан акс эттиради. Яқуббекнинг Шарқий Туркистонда мустақил уйғур давлати ташкил этгани ва уни бирмунча ривожлантирганини тақдирлайди. Аксинча, Яқуббек ҳокимиятни кўлга олгунча ҳокимият учун ўзаро урушларда жуда кўп қон тўкилгани, ўз ҳукмронлиги даврида халққа оғир жабр-зулм қилганларини танқид қиласди.

Масалан, Шарқий Туркистонда Хитой истибодига қарши 1825—1828 йилларда бўлиб ўтган Жаҳонгир хўжа бошлигидаги қўзғолон тўғрисида бундай маълумот беради. Қўзғолонни бостиришда хитойларга бир қисм маҳаллий амалдорлар ёрдам берди. Хитойлар шундай амалдорлардан Озоқбекни Қашқар ҳокими, Аҳмадбекни Оқсув ҳокими қилиб белгиладилар. Қўзғолончиларни ва уларга ёрдам берган аҳолини ўлдириб, мол-мулкини мусодара этдилар. Ўн мингдан кўп хотин-қиз ва йигит-болаларни Шарқий Туркистоннинг Шимолига ва Фарбий-Шимолий Хитойнинг Ланжу шаҳрига сургун қилинди. Хитой ва қалмоқларга қул-чўри қилиб берилди. Улар эса хотин-қизларни мажбуран ўз никоҳига киритди, деб ёзади. Ҳалқ қўзғолонлари раҳмсиз бостирилиб туришига қарамай Синъязян ҳалқи ўз курашини тўхтатмаган. Хитой амалдорлари, судхўрлари ва помешчикларининг зулми энг охирги чекига етгач, 1864 йил қўзғолони бошланғанлиги

баён қилинади. Тарихчи — неча қисм божлар пайдо бўлди — туз пули деб, раия—фуқаро пули деб ва ҳар ойда одам бошига пул қўйиб олди, буни «чўқобоши» деб атади. Хулласкалом, раиялар устига албон-ясоқ тўла бўлди. Оромимиз йўқ бўлди. Пули бор одамлар ночор хитойларға ва катта бекларга одам бўлиб ҳимоятиға кирди. Умуман солиқ, пули йўқ бечора ғариллар устига қолди. Кўтаролмай ва ором ололмай ер, сув, асбоби рўзгор ва чорпойлари хитойларга гаровга кеттилар... деб ёзади. Ва кимки пул берса унга амал бергани, ҳатто у ҳақда очиқдан-очиқ эълонлар чиқарилгани натижасида ҳокимият бир гуруҳ феодал амалдор, бойлар, қиморбозлар қўлига ўтганини ёзади. Мисол тариқасида Рустамбек 2000 ёмбу бериб Ёркентга, Сайдбек 1500 ёмбу бериб Оқсувга, Қутлуқбек пул бериб Қашқарга ҳоким бўлиб олишди. Улар амалга ўтирганидан сўнг берган пулларини 5—10 баравар ортиғи билан йиғиб олар эдилар. Муаллиф сўзи билан айтганда «фуқаро-раиялар кўз ёшидан парҳез ва эҳтиёт қилмадилар... Зоҳиран хонга (Хитойхонига) хизмат қилиб черикларини боқиб юртларига эгадорлик қилдик дедилар. Ожиз фуқаро-раияларни отани болага ва болани отага улаштирмай ва қўшмай албон ёсоққа ҳайдадилар...» Шу билан хитой ва маҳаллий феодал помешчикларнинг зулми қўзғолоннинг келиб чиқишига сабаб бўлганини бирма-бир кўрсатиб беради. «Тарихи Эминия»да 1864 йил қўзғолон ҳаракатлари муфассал ҳикоя қилинган.

1281 йил муҳаррам ойининг биринчи куни (1864 й. 7 июнь) шанба кечаси ҳалқ қўзғолон кўтарди. Дунгандар Кучор қалъаси Хитой казармалариға ўт қўйиб, хитой черикларини ўлдириб, қўзғолонга қўшилдилар. Хитойлар билан бўлган

жангларда қўзғолончилар ғалабага эришди. Кўзғолончилар Кучор ҳокими Мұхаммад Қурбонбек ва Аҳмад Вонгбек каби 8 нафар Кучор бекларини қатл қилдилар. Рошиддин хўжани Кучор хони қилиб қўйиши. Кўзғолоннинг иккинчи куни Бурҳониддин хўжани амир лашкар, Мулло Усмон охунни қози аскар қилиб тайинлаб, Маҳмуддин хўжани ҳамроҳ қилиб лашкарлари билан Бой, Сайром, Оқсув ва Қашқарга Хитойларга қарши уруш сафарига юборди. Улар Сайром ва Бойларни Хитойлардан озод қилди. Жамолиддин хўжа бошчилигидаги отряд Оқсувни хитойлар қўлидан тортиб олди. Оқсувга Жамолиддин хўжа ҳоким бўлди. 1281 йил сафар ойининг 14 (1864 йил 20 июль)да Бурҳониддин хўжа, Холиддин хўжалар Учтурфонга юриш қилиб уни хитойдан озод қиладилар. Бурҳониддин хўжа учренинг ҳокими қилиб белгиланди. Кўп ўтмай Кўрло, Қорашарлар қўзғолончилар қўлига ўтади. Исҳоқ хўжа бошчилигидаги отряд 1864 йил сентябрида Турфон, Лукчинларни хитойлардан озод этади. Шундан кейин Рашиддин хон қўшини Ёркент, Қумулларни ўзига бўйсундиради. Сайромий сўзи билан айтганда Рашиддинхон Шарқий Қумул ва Борикўл, Шимолий қалмоқ ичи Юлдуз музофоти, Фарбий Моролбоши ва Ёркент, Жанубий Лўб бўлган территорияда ўз ҳокимиятини ўрнатди.

Кўзғолон бутун Шарқий Туркистонни қамраб олди. Уша даврда Қашқарда қипчоқ Сиддиқбек ҳокимияти ўрнатилди.

Урумчидаги Довуд ҳалфа бошчилигига Хитой ҳокимиятига қарши қўзғолон бўлиб, Хитойлар устидан ғалаба қозонилди. Довуд ҳалфа ҳокимият тепасига чиқди. Бу қўзғолонга кучорликлар катта ёрдам кўрсатдилар.

Или вилоятида Абдурасулбек раҳбарлигида Или султонлиги ташкил топди. Сайромий ана шу воқеаларни баён этар экан, Хўтан халқининг Хитойларга қарши қўзғолони ҳақида кенг маълумот беради. Хўтан қўзғолончилари ғалабага эришгач камбағалпарвар Мулло Ҳабибулло муфтини подшоҳ қилиб тайинлади. Уни Ҳожи подшоҳ деб атар эдилар. Ҳожи подшоҳ Хўтандада янги сарой, мактаб, мадраса-мачитлар қурдириди. Етти ёшдан етмиш ёшгacha бўлган аҳолини ўқишга мажбур этди. У бир мисқоллик оқ танга зарб этди. Уни халқ севар эди, деб Ҳожи подшоҳнинг маърифатпарварлиги тўғрисида фахр билан гапиради. Шундай қилиб 1864 йил қўзғолони миллий озодлик ҳаракат даражасига кўтарилиганини жуда усталик билан ёритиб беради. Ҳақиқатан ҳам қўзролон натижасида Кучор, Хўтан, Қашқар, Урумчи, Илини марказ қилган бешта ҳокимият юзага келган эди. Мусо Сайромий асарида Яқуббек ва унинг даврида содир бўлган воқеалар ҳаққоний ёритилган, Яқуббек тўғрисида автобиографик маълумот берилган.

Сайромийнинг ёзишича Яқуббек Тошкент музофотининг Пискент деган мавзууда туғилган. Нормуҳаммад қушбеги Тошкент ҳокимлиги даврида турли амалларда бўлди. Қаноатшоҳ додгоҳ ҳокимлиги даврида эса, маҳрам, маҳрамлар юзбошиси ва Оқмасжид ҳокими амалларида бўлди. Яқуббекнинг Тошкент ҳокимлигини сўнгра Қўқон таҳтини эгаллашга интилиши фош бўлгандан кейин у Маллахон (1858—1862) таъқибидан қочиб икки марта Бухорода бўлган, орада Хўжандга ҳоким бўлиб турған, охири Бухородан қочиб келганида Қўқон хони уни Қашқар ҳокими Сиддиқбек томонидан таклиф қилинган Бузрук хў-

қил ўйғур давлати ташкил этишда Ўрта Осиё, айниқса ўзбек ҳалқи қардошларча катта ёрдам берганлиги ҳатто, раҳбарлик роль ўйнаганини күрсатади.

Шундай қилиб, биз юқорида «Тарихи Эмния» асаридаги мұхим маълумотларнинг баъзи бирларинигина баён этдик. Шу билан, кенг ўқувчилар оммасига бу асарнинг мухим тарихий асар эканлигини тушунтира олган бўлсак ўзимизни баҳтли санар эдик.

Уйғур ҳалқи Мулло Мусо Сайромийни талантли тарихчи, шоир ва давлат арбоби сифатида танийди ва ҳурмат қиласди.

Совет ҳалқларининг Шарқ ҳалқлари билан дўстлик алоқаси кун сайин ўсаётган ва мустаҳкамланаётган бир вақтда совет кишиларида Шарқ мамлакат ҳалқларининг ўтмиши ва улар билан бўлган иқтисодий ва сиёсий ва маданий алоқалари тарихига қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Шундай ажойиб давримизда прогресив тарихчи ва давлат арбоби Мулло Мусо Сайромийнинг ижодий фаолияти билан танишиш мұхим аҳамиятга эгадир.

## МУНДАРИЖА

	Бет
Мусо Сайромий ва унинг яшаган даври . . . . .	3
Мусо Сайромий тарихчи ва адаб сифатида . . . . .	8
«Тарихи Эмния» қимматли тарихий асар . . . . .	11